



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 21 yil "02" 08

№ 182

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли ва 2021 йил 15 февралдаги 31-сонли буйруқларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Коронавирус инфекциясининг аҳоли орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш, бирламчи тиббий-санитария муассасаларида хавфсиз эмлашни оммавий тарзда олиб бориш ва шунга боғлиқ тиббий хужжатларни такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб хужжат шаклларини такомиллаштириш тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи иловага мувофиқ таҳрирдаги 3-илова билан тўлдирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

3 кун муддатда мазкур буйруқни барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларига етказсин;

коронавирус инфекциясига қарши эмлашни қайд этиш журнали 064/1-х шаклини бирламчи тиббий-санитария муассасалари амалиётида татбиқ этилиши ва ижроси назорат қилинишини таъминласин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг “Коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш жараёнларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 15 февралдаги 31-сонли буйруғи 3-банди 13-хатбошисидagi “64/х” сўзлари “064/1-х” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

А. Хаджибаев

Кирилди:

ДПЁТББ бошлиғи

У. Рискиев

Келишилди:

Вазирнинг биринчи ўринбосари

А. Иноятлов

ТХСНҚБ бошлиғи в.в.б.

М. Нарзиев

Тиббий статистика ва маълумотлар
таҳлили бўлими бошлиғи

З. Муталова

Юридик бўлим бошлиғи в.в.б.

С. Юсупова

Вазир ўринбосари

А. Азизов

СЭОваЖСХ бошлиғи

Б. Юсупалиев

Вазир ўринбосари

У. Сабилов

Вазир ўринбосари

Э. Баситханова

008583